

Диний идора раисига биринчи ўринбосар тайинланди



14:02 / 17.12.2019 2883

Бугун, 17 декабрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси Олий ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги хабар беради. Унда Олий ҳайъат аъзолари, Диний идора раҳбарияти, бўлим бошлиқлари, таниқли имом-хатиблар иштирок этди.

Йиғилиш Қуръони карим тиловати билан бошланди.

Мажлисда якунига етиб бораётган 2019 йилда Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Жумладан, масжидлар, диний таълим муассасалари, зиёратгоҳлар ва тизимдаги бошқа ташкилотлар фаолиятининг ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди. Шунингдек, 2019 йилда масжидлар фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Унга кўра, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тузилмасида янги жорий этилган раиснинг биринчи ўринбосари лавозимиغا Ишматбеков Ҳомиджон Баҳромович номзоди бир овоздан маъқулланди.

Маълумот ўрнида, Ишматбеков Ҳомиджон 1970 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент ислом институти, Мадина ислом университетида таҳсил олган. Фаолияти давомида «Кўкалдош» ўрта махсус ислом билим юрти мудирини, Тошкент шаҳар «Муҳаммад Носир ҳожи» масжиди имом-хатибини, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво бўлими мудирини лавозимларида хизмат қилган. Бир қатор китоб ва илмий мақолалар муаллифидир.

***Islom.uz* портали таҳририяти**